

Масжиддан кўзланган мақсад



14:18 / 31.12.2023 3102

Моликий фақиҳлардан Қози Иёз роҳимаҳуллоҳнинг «Тартибул мадорик» китобида келади:

«Абу Бакр Абхурий айтади:

«Туртус масжидига кирдим ва бир устуннинг ёнига бориб ўтирдим. Шунда менинг олдимга бир киши келиб деди:

- Агар Қуръон ўқимоқчи бўлсанг Қуръон ҳалқаси анави ерда. Агар қори бўлсанг манави ерда ўтириб кишиларга Қуръон ўргат. Агар фикҳ ўрганмоқчи бўлсанг, анави ерда фикҳ ҳалқаси бор, унга қўшил. Агар фақиҳ бўлсанг, ҳалқа ташкил қилиб фикҳдан дарс бер. Бизнинг масжидимизда кишилар бекор ўтиришмайди!».

Қадимда масжидларимиз ана шундай эди. Масжидлар гўё меҳроблар соясидаги мадраса ва мактаблар, минбарлар остидаги куллийётлар, қуббалар остидаги университетлар каби эди.

Қуръон, ҳадис, фикҳ, наҳв, усул, тил, адабиёт мағрур миноралар остида ўргатилар эди...!

Ёритадиган чироғи бўлмаган оддийгина Мадина масжидидан чиққан нур оламни ёритди.

Ана ўша илм ҳалқаларидан чиққан талабалар буюк империяларни қулатди. Исломни, илмни, гўзал хулқларни оламга ёйди!

Бугун баъзи масжидлар фақатгина намозлар учун очиладиган бўлиб қолди. Масжиддан кўзланган мақсадимизни йўқотиб қўйдик!

Абдулқодир Полвонов

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 11 августдаги 03-07/6522-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.